ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№80 (1033)
2026 йил 18 сентябрь, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Наманганда қуёш электр станцияси тўла қувватда ишга туширилди

Мамлакатимизда “яшил” иқтисодиёт, хусусан, “яшил энергетика” соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самараси сифатида Наманган вилоятида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.



Поп туманида қуёшдан энергия олиш лойиҳаси тўлиқ қувватда иш бошлади. Яъни Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компанияси таъсисчилигидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Next Solar Energy Group” хорижий корхонаси томонидан қиймати 350 миллион долларга тенг бўлган лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилиб, қуёш фотоэлектр станцияси қуввати 500 мегаваттга етказилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда туман фаоллари, нуронийлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда қайд этилганидек, Янги Ўзбекистон энергетикасида “яшил энергия” манбалари улушини изчил ошириш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газ ва бошқа ёқилғига боғлиқликни камайтириш ва ҳудудларнинг энергетик салоҳиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2024 йил 24 майдаги тегишли қарори асосида Поп туманининг Қўшминор маҳалласи ҳудудида жойлашган қаровсиз 1 минг 200 гектар майдонда ишга туширилган янги йирик қуёш фотоэлектр станцияси ҳам ушбу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.

2 →



Тошкент метрополитенида йўловчи ташиш бўйича рекорд кўрсаткич қайд этилди

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида барча босқич талабалари учун янги ўқув йили бошланди. Шу муносабат билан кутилганидек, жамоат транспортига, хусусан, Тошкент метрополитени хизматларига бўлган талаб сезиларли даражада ошди.



Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” газетаси мухбири.

Жумладан, 14 сентябрь куни Тошкент метрополитенида йўловчи ташиш бўйича навбатдаги рекорд кўрсаткич қайд этилди. Кун давомида метрополитен хизматларидан 1 165 550 нафар йўловчи фойдаланди.

Маълумот учун, бундан аввалги энг юқори кўрсаткич 2026 йил 8 май куни қайд этилган бўлиб, ўша куни Тошкент метрополитени хизматларидан 1 117 061 нафар йўловчи фойдаланган эди. Мутахассислар томонидан олиб борилаётган кузатув ва таҳлилларга кўра, йўловчилар оқимининг ўсиш тенденцияси келгусида ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Хусусан, октябрь ойида кунлик йўловчилар сони 1 200 000 нафарга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент метрополитени томонидан 1 200 000 йўловчини алоҳида аниқлаш ва ушбу йўловчига махсус имтиёз ёки совға тақдим этиш режалаштирилмоқда. Мазкур ташаббус йўловчилар учун ўзига хос рағбат ва рамзий воқеа сифатида ташкил этилиши кўзда тутилган. Йўловчилар оқимининг тобора ортиб бораётгани шароитида аҳолига янада қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида метрополитеннинг ҳаракат таркибини босқичма-босқич янгилаш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, 2026 йил давомида харид қилиниб, Тошкент метрополитенига олиб келиниши режалаштирилган 14 та замонавий ҳаракат таркибининг барчаси айни вақтда вагонлар паркига етказиб берилди. Мазкур замонавий поездлардан йўловчиларга янада тезкор, қулай ва сифатли хизмат кўрсатишда самарали фойдаланилмоқда. Қолаверса, “Тошкент метрополитени” АЖ томонидан йўловчилар оқими доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Бугунги кунда йўловчиларга қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида поездлар ҳаракати йўловчилар оқимининг реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тезкор равишда мувофиқлаштириб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–191-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Тошкент метрополитени” АЖнинг “Ҳаракат” хизмати ходимлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Халқаро жамоат транспорти ассоциацияси – UITP томонидан ташкил этилган “Travel Information, Design and Wayfinding” – “Йўловчилар ахбороти, дизайн ва йўл топиш тизимлари” мавзусидаги халқаро ўқув семинарида иштирок этди.

Семинарнинг дастлабки кунида йўловчилар ахбороти ва Wayfinding тизимларини лойиҳалаш, транспорт тугунларида йўловчилар ҳаракатини самарали ташкил этиш, замонавий навигация ҳамда йўналиш белгиларини жорий қилиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Машғулотларда Франциялик шаҳар мобиллиги дизайни бўйича эксперт Yo Kaminagai томонидан Wayfinding тизимларининг назарий асослари, универсал ва инклюзив дизайн тамойиллари ёритилди. Шунингдек, MTR корпорациясининг собиқ архитектура раҳбари Andrew Mead Гонконг метросида йўловчилар ахбороти ва Wayfinding тизимларини ташкил этиш тажрибаси билан ўртоқлашди. Унда жисмоний ва рақамли ахборот воситаларини уйғунлаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

INAT Mapping & Wayfinding асосчиси Jug Cerović транспорт хариталари ва йўналиш схемаларини замонавий усулларда лойиҳалаш бўйича тажрибаларини тақдим этди. Закария Моҳаммед эса Дубай, Абу-Даби ҳамда Форс кўрфази мамлакатларида қўлланилаётган илғор навигация ечимлари ҳақида маълумот берди.

Семинар давомида олинган билим ва тажрибалар “Тошкент метрополитени” АЖда йўловчилар ахбороти тизимини такомиллаштириш, хариталар, пиктограммалар ва йўналиш белгиларини ягона стандарт асосида ривожлантириш ҳамда бекатларда йўловчилар учун янада қулай, хавфсиз ва тушунарли муҳит яратишга хизмат қилади.

▼ “Travel Information, Design and Wayfinding” – “Йўловчилар ахбороти, дизайн ва йўл топиш тизимлари” мавзусидаги халқаро ўқув семинаридан лавҳа.



Корея технологиялари ўрганилмоқда

Ўзбекистонда гидроэнергетикани ривожлантириш, кичик ва микро ГЭСлар тармоғини кенгайтириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш бўйича белгиланган стратегик вазифалар доирасида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ делегацияси Жанубий Корея тажрибасини ўрганмоқда.

Маълум қилинишича, делегация гидроэнергетика ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Kumsung Engineering & Construction Co., Ltd. компанияси заводида бўлиб, замонавий гидроагрегатларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш жараёнлари билан танишган. Асосий эътибор паст босимли сув оқимларидан самарали фойдаланишга мўлжалланган кичик ва микро ГЭС технологияларига қаратилган. Мазкур ечимлар Ўзбекистонда мавжуд сув ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш ва “яшил” энергетика қувватларини кенгайтириш нуқтаи назаридан ўрганилмоқда.



Делегация Жанубий Кореянинг Geum River дарёсида жойлашган Baekjebo ГЭС фаолиятини ҳам ўрганди. 2011 йилда фойдаланишга топширилган станцияда умумий қуввати 2,64 МВт бўлган 4 та гидроагрегат ишлайди.

Қайд этилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ГЭСлар сони 36 тадан 106 тага, гидроэнергетиканинг умумий қуввати эса 2,5 ГВтга етган. Корея тажрибасини ўрганиш ушбу йўналишдаги технологик ҳамкорликни кенгайтириш ва янги гидроэнергетика лойиҳаларини замонавий ечимлар асосида ривожлантиришга қаратилган.

Ўз мухбиримиз.



uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Сув қадри

Янги барпо этилган замонавий турар жой мажмуасига қадам қўйганимизда, аввало, унинг бетакрор архитектураси, равон йўллари ва ям-яшил хиёбонлари эътиборимизни тортади. Инсон кўзи доимо сиртқи пардоз ва кўркамликни пайқайди. Аммо мана шу уйда истиқомат қиладиган минглаб оиланинг фаровонлигини нима таъминлаб тургани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрамизми?

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Муаззам масканнинг кўзга ташланмайдиган, лекин бир маромда уриб туриши шарт бўлган “юраги” ер остида яширинган. Жўмракдан мусаффо сувнинг оқиши ва ишлатилганининг ғойиб бўлиши оддий ҳолдек туюлади. Аслида эса, бу қулайлик ортида туну кун тинмайдиган муҳандислик механизми ва минглаб инсонларнинг машаққатли меҳнати ётади.

Бугун Ўзбекистон шаҳарлари шиддат билан кенгаймоқда. Шаҳар катталашгани ва янги объектлар кўпайгани сари ер остидаги томирларга тушадиган юклама ҳам ортмоқда. Манбани олиш, уларни халқаро стандартлар даражасида тозалаш, зарур босим билан етказиш, ҳар бир томчи сувнинг ҳисобини юритиш ҳамда оқова сувни қайта ишлаш мукаммал тизимни талаб этади. Бу соҳада ҳар бир бўғин бир вақтда ва узилишларсиз ишлаши шарт. Президентимиз томонидан қабул қилинган ПФ–140-сонли Фармон айнан ушбу соҳани ягона ва мукаммал тизим сифатида комплекс ривожлантиришни кўзда тутади. Ушбу ҳужжат аҳолининг ҳаёт сифатини тубдан яхшилашга қаратилган амалий қадамдир.

Фармонга мувофиқ, 2026-2027 йилларда республика бўйича 5,1 минг километр ичимлик суви тармоғи барпо этилади ва 245 та сув иншооти фойдаланишга топширилади. Экология учун муҳим бўлган оқова сув йўналишида ҳам 1,1 минг километрлик янги тармоқ ва 81 та махсус иншоот қурилиши белгиланган.

Тармоқни ётқизиш – бу инфратузилманинг дастлабки босқичи, холос. Қувурлар кўмилиб, сув оқиши бошлангач, унинг узлуксизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа юзага келади. Бу жараён узлуксиз электр энергиясини, кучли насосларни, босим назоратини, авария-ларни тезкор таъмирлашни ва лаборатория таҳлилларини талаб қилади. Занжирнинг битта жойидаги носозлик бутун шаҳар аҳолисининг турмуш тарзини издан чиқариши мумкин.

Сув таъминотида рақамлаштириш ва шаффофлик алоҳида ўрин тутади. “Қанча сув ишлаб чиқарилди ва қанча ҳажми истеъмолчига етиб борди?” деган саволга аниқ жавоб бўлмас экан, яширин йўқотишлар ва исрофгарчиликни жиловлаб бўлмайди. Шу боис, фармонда магистрал тармоқлар уланиш нуқталарида 4,8 мингта замонавий сув ўлчаш воситаларини ўрнатиш белгиланган. Бунга қўшимча равишда, 2026-2027 йилларда 5,4 миллион истеъмолчининг ҳисоб-китоб тизими ягона рақамли биллинг тизимига ўтказилади.

Сув хўжалиги корхоналарини иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан соғломлаштириш ҳам кечиктириб бўлмас талабдир. Вақт ўтиши билан қувурлар эскиради ва ускуналар янгиланишни талаб этади. Ҳужжатда сув таъминоти корхоналарида корпоратив бошқарувни жорий этиш ва уларни босқичма-босқич ўзини ўзи таъминлаш режимига ўтказиш вазифалари белгиланган. Шаҳар аҳолиси саломатлиги учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган яна бир соҳа – оқова сув тизимидир. Ишлатилган сувни тўплаш, коллекторлар орқали олиб чиқиш ва тозалаш иншоотларида зарарсизлантириш зарур. Янги бино лойиҳаланаётганда оқова сув масаласи дастлабки босқичдаёқ аниқ ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Фармонда оқова сув хизматлари қамровини республика бўйича 23 фоизга, йирик шаҳарларда эса 76 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун йирик инвестициялар жалб этилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри учун янги оқова сув тозалаш иншооти лойиҳаси 300 миллион долларни, Самарқанддаги Ширин массиви учун 80 миллион долларни, Наманган шаҳрига 96 миллион доллар ва Жиззах шаҳри учун 60 миллион долларни ташкил этади. Инфратузилманинг мустаҳкамлиги унинг барқарорлиги билан ўлчанади. Пойтахт аҳолисининг 85 фоизини ичимлик суви билан таъминлайдиган “Қодирия” сув иншоотининг электр таъминоти барқарорлигини кучайтириш алоҳида вазифа қилиб қўйилган. Электр энергиясидаги сониялик узилиш ҳам бутун шаҳар сув таъминотини хавф остида қолдириши мумкин. Шу сабабли, кадрлар салоҳиятига ҳам эътибор қаратилиб, дуал таълим тизими асосида ихтисослаштирилган факультет ташкил этилади.

Давлатимиз 2026 йил якунига қадар соҳани 2030 йилгача ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишни мақсад қилган. Бу стратегия шаҳарларнинг бош режалари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Жўмракдан оқиб тушган тоза сув ортида ер остидаги қоронғу қувурларда, тозалаш иншоотларида ва лабораторияларда меҳнат қилаётган минглаб мутахассисларнинг фидойилиги ётади. Шаҳар инфратузилмасининг олий вазифаси ҳам шунда: у инсонлар турмушига халақит бермаган ҳолда, фонда бир маромда ва узлуксиз ишлаб туриши керак. Сувнинг ўзи ҳаёт бағишлайди, унинг ортидаги улкан тизимнинг қиймати эса бир сония ҳам тўхтамай ишлашида намоён бўлади.





Наманганда қуёш электр станцияси тўла қувватда ишга туширилди

1 Станциянинг йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллиард 95 миллион киловатт-соат бўлиб, бу рақам лойиҳанинг нафақат Поп тумани, балки вилоят энергетика таъминотидаги аҳамиятини ҳам яққол кўрсатади. Куёш электр станциясининг тўлиқ қувватда ишга туширилиши юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш ўринлики, Фарғона водийсидаги энг йирик кўламдаги лойиҳалардан бирини амалга ошириш жараёнларида 700 га яқин ишчи-ходимлар, хусусан, хитойлик бунёдкорлар ҳамда 30 дан ортиқ махсус техникалар жалб қилинди.

– Вилоятимизда энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва янги генерация қувватларини яратиш борасидаги ишлар биргина ушбу лойиҳа билан чекланмайди, – деди “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Наманган ҳудудий филиали директори Дилмурод Мамаджонов ЎзА мухбири Оқилхон Дадабоевга. – Бундан аввал Поп туманида Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компанияси томонидан 500 мегаваттлик қуёш электр станцияси, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликларининг “Tepelen Group Holding Limited” компанияси билан ҳамкорликда яна бир 500 мегаваттлик қуёш электр станциясини барпо этиш режалари маълум қилинган эди.

Дарҳақиқат, мазкур лойиҳаларнинг ҳар бири 350 миллион доллардан баҳоланган. Уларда Наманган ҳудудининг генерация қувватлари 2 141 мегаваттга, йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми эса 7,8 миллиард киловатт-соатга етказилиши кўзда тутилган. Бу вилоятнинг йиллик 5,5 миллиард киловатт-соатлик эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имконини беради. Мазкур рақамлар энергетика соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўламини яққол намоён этади.

Станцияни тўлиқ қувватда ишлаши натижасида йилига 1 миллиард киловат соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 400 мингдан ортиқ хонадонларни қувват билан таъминлаш имконияти яратилади. Шунингдек, йилига 300 миллион кубга яқин табиий газ тежалишига эришилади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, станцияда ўтган 2025 йил давомида сотилган электр энергияси 218 871 760 квт соатни, жорий йилнинг январь-август ойларида эса 300 000 000 квт соатни ташкил қилди.

Болалар учун обод ва хавфсиз ўйингоҳлар

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ–48-сонли қарори асосида шаҳар ва туманларда кўп квартирали уйларни таъмирлаш, шунингдек, уйларга туташ ҳудудларда умумий фойдаланишдаги инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда.

Темурбек ТУРОБОВ,
журналист.

Навоий вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудудларда 2870 метр ирригация тармоғи ҳамда 16 минг квадрат метр бетон йўлаклар барпо этилди. Бу каби ишлар нафақат ҳудудларни ободонлаштириш, балки аҳолининг кундалик ҳаёти учун қулай шароит яратишга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда Инвестиция дастури доирасида вилоятда 98 та болалар майдончасини қуриш режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 39 миллиард 155 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ушбу режанинг амалий натижаси сифатида Кармана туманидаги Сардаба маҳалласида болалар майдончаси барпо этилди. Маҳалланинг Ипак йўли кўчасидаги 20- ҳамда Зарафшон кўчасидаги 6- ва 10-уйлар ҳудудида “Quruvchi Sardor Javohiri” хусусий корхонаси томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган болалар майдончалари ҳудуд аҳолисини ҳам мамнун қилди. Янги барпо этилган майдончалар кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи оилалар фарзандларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, очиқ ҳавода ҳаракатланиши ва тенгдошлари билан мулоқот қилиши учун муҳим восита бўлмоқда.



Халқ ишончини оқлаш катта шараф

Инсон меҳнати қадр топган жойда касбга муносабат ҳам, масъулият ҳам ўзгаради. Айниқса, ҳар куни одамлар билан ишлаш, уларнинг мурожаат ва эҳтиёжларини тинглаш, яшаш муҳитини янада қулай қилишга ҳисса қўшиш катта сабр ва масъулиятни талаб этади.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.





Бухоро шаҳридаги “Зарафшон” бошқарув сервис компанияси раҳбари Мадина Гулиеванинг меҳнат йўли ҳам ана шу масъулият билан уйғун. У 2009 йилда атиги бир уйга хизмат кўрсатишдан бошлаган фаолиятини бугун 56 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатаётган жамоага раҳбарлик даражасига олиб чиқди. Бу рақам ортида йиллар давомида тўпланган тажриба, изланиш, жамоавий меҳнат ва энг муҳими, аҳоли ишончини оқлашга бўлган интилиш мужассам.

Мадина Гулиева учун раҳбарлик лавозими, аввало, одамлар олдидаги масъулиятни англатади. Шу боис у иш жараёнида ҳар бир масалага аҳоли манфаати нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилади. Бугун бошқарув сервис компанияси зиммасидаги вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш билан бирга, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда одамлар учун муносиб шароит яратиш ҳам асосий вазифалардан бирига айланган. Унинг фикрича, компания фаолиятининг ҳақиқий баҳоси қоғоздаги ҳисобот ёки рақамлар билан ўлчанмайди. Аксинча, хонадон эгаларининг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар билан баҳоланади. Шу сабабли замонавий ёндашув, янги технологиялар ва хизмат сифатини ошириш масалалари доимо эътибор марказида. Бу йўлда раҳбарликнинг осон томонлари билан бирга оғир қарорлари ҳам бўлади.

Унинг раҳбарлик услубида инсон омили алоҳида ўрин тутади. У жамоада соғлом муҳитни қарор топтириш учун ҳар бир ходимнинг фикри ва шахсиятини ҳурмат қилишга интилади. Кўп йиллардан бери бирга ишлаб келаётган ходимларининг феъл-атвори ва иш услубини яхши билиши ҳам унга жамоани тўғри бошқаришда қўл келади. Ҳисобчидан тортиб, фаррошгача бўлган ҳар бир ходимнинг меҳнати компания фаолияти учун зарур эканини доимо ҳис этиб туради. Янги иш бошлаган ёшларга эса тажриба орттириш учун вақт бериш тарафдори. Чунки касбий маҳорат китобдан кўра кўпроқ амалий фаолият жараёнида шаклланади. Шунинг учун ёш кадрларга сабр билан иш ўргатиш, хатоларидан тўғри хулоса чиқаришига кўмаклашиш жамоанинг келажагига қўшилган ҳисса, деб қарайди.

Мадина Гулиева раҳбарликка интилаётган ёш қизларга ҳам ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб маслаҳат ўрнида бугун имкониятлардан унумли фойдаланиш, ўз устида ишлаш ва янгиликдан қўрқмаслик муҳимлигини таъкидлайди. Инсон танлаган касбини севса, ўз салоҳиятига ишонса ва жамиятга наф келтиришни кўзласа, олдидаги тўсиқларни енгиб ўтиш осон кечади.

Компания 2025 йилда Бухородаги бошқарув сервис компаниялари ўртасида ўтказилган “Энг яхши кўп квартирали уйни бошқариш органи” кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган. Мадина Гулиева эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Президент фармонига мувофиқ, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Қолаверса, у “Уй-жой коммунал хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони соҳибаси. Бу эътирофлар унинг шахсий ютуғи сифатида кўринса-да, Мадина Гулиева уни, аввало, жамоа меҳнатининг натижаси деб билади.

– Ҳар қандай раҳбарнинг ортида унинг ишончли жамоаси туради, – деди у. – “Дўстлик” ордени зиммамдаги масъулиятни янада чуқур ҳис этишга ундайдиган эътирофдир. Мен учун давлатга хизмат қилиш халқ олдидаги муҳим бурч саналади. Бу, ҳар куни ўз вазифамни ҳалол бажариш, одамларнинг ишончини қадрлаш, жамоага суяниш ва қилинган ишнинг самарасини кўриш демак. Энг олий мукофот эса халқимизга фойда келтириш имкониятидир.

Эришилган натижалар билан чекланиб қолиш эса компания раҳбарининг режаларида йўқ. Келгусида хизмат кўрсатиш жараёнларига янада замонавий технологияларни жорий этиш, қўшимча даромад манбаларини яратадиган кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай ташаббуслардан асосий мақсад – уй-жойларнинг ҳолатини яхшилаш, улар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, болалар учун янада қулай майдончалар барпо этишдир. Яъни ҳар бир янги лойиҳа охир-оқибат инсонлар ҳаётига дахл қиладиган натижа бериши керак.

Касбий фаолият билан оилавий ҳаёт ўртасидаги муносабат ҳам қаҳрамонимиз ҳаётида ўзига хос тарзда шаклланган. У учун тиғиз иш вақти фарзандларига эътибор беришига тўсқинлик қилмаган. Икки нафар фарзанди ҳам спорт билан шуғулланади. Ўзининг айтишича, мусобақалар, машғулотлар ва кундалик юмушлар орасида оила аъзолари бир-бирини тушуниш ва ўзаро муроса қилишни ўрганган. Зеро, касбий натижа юқори бўлса, бунда яқинларнинг қўлловини ҳис қилиш катта масъулиятларни хотиржам бажара олишга хизмат қилади.

Маҳалла кўчалари равонлашди

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ–49-сонли қарори асосида ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида Гулистон туманидаги Алишер Навоий номли маҳаллада муҳим инфратузилма лойиҳаси амалга оширилди.

Хусусан, маҳалладаги Нурли замин, Бобур, Минг ўрик, Янги ҳаёт, Гурлан, Шарқ юлдузи ва Усмон Носир кўчаларида “Зилол Янгиер” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан қарийб 2 миллиард сўм маблағ эвазига 3,8 километр масофага асфальт қопламаси ётқизилди.



Эртанги авлод олдидаги масъулият

Сув – инсон ҳаёти, саломатлиги ва жамият тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Нуриддин НИГМАТИЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси.

Бугунги кунда дунё миқёсида иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиши, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг кенгайиши натижасида чучук сув ресурсларига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Шу боис, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш давлат сиёсати ҳамда ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётида устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам аҳолини сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, сув таъминоти ва оқова сув тизимларини модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ сув ресурсларини асраш фақат давлат ташкилотларининг вазифаси эмас. Бу жараёнда ҳар бир истеъмолчининг масъулиятли муносабати муҳим аҳамият касб этади.

Амалий кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда ичимлик сувидан мақсадсиз фойдаланиш, уни беҳуда оқизиб қўйиш, сув ҳисоблагичларга ноқонуний аралашиш ёки сув таъминоти ҳамда оқова сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш каби қонунбузилишлар учраб турибди. Бундай ҳолатлар сув таъминоти тизимига ортиқча юклама юклаши билан бирга, бошқа истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, ёз мавсумида сувга бўлган талаб ортиши натижасида бундай қонунбузилишлар айрим ҳудудларда ичимлик суви босимининг пасайишига ва узлуксиз таъминотга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сувдан оқилона фойдаланиш ҳар бир хонадондан бошланади. Кранларни носоз ҳолатда қолдирмаслик, сув сизиб чиқишининг олдини олиш, сувни фақат зарур эҳтиёжлар учун ишлатиш, ҳисоблагич кўрсаткичларини мунтазам



назорат қилиш ва коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш сув ресурсларини муҳофаза қилишга хизмат қилади. Шунингдек, аҳоли томонидан ноқонуний уланишлар ёки авария ҳолатлари аниқланганда бу ҳақда тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қонунчиликда ичимлик ва оқова сув тармоқларидан қонуний ва мақсадли фойдаланиш бўйича аниқ талаблар белгиланган. Техник шартларсиз ва тегишли шартнома расмийлаштирмасдан сув тармоқларига уланиш, ҳисоблагичлар ишига ноқонуний аралашиш, сув ресурсларидан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бундай ҳолатлар аниқланганда айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин ҳамда етказилган зарар белгиланган тартибда ундирилади.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан сув ресурсларини асраш, аҳолида коммунал маданиятни юксалтириш ва қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ва назорат текширувлари мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг ўтган даврида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида ичимлик сув таъминоти соҳасида қоидабузарликлар аниқланиб, қоидабузарларга нисбатан жами 1 937 816 миллион сўмлик 541 та маъмурий жарима қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш, уни исроф қилмаслик, сув таъминоти ва оқова сув тизимларидан қонун талабларига мувофиқ фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Сувни асраш орқали биз нафақат табиий ресурсларни муҳофаза қиламиз, балки келажак авлод учун барқарор экологик муҳит ва муносиб турмуш шароитини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшамиз. Зеро, сувни асраш – келажакни асраш демакдир.

Бюджет харажатларининг самарадорлиги оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги Ички аудит ва молиявий назорат бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-100-сонли фармони ижроси юзасидан бир қатор таҳлилий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Темурмалик НОРОВ,
Маданий мерос агентлиги Ички аудит ва молиявий назорат бўлими ходими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигига 2026 йилда бюджет маблағларидан фойдаланиш учун жами 251,4 миллиард сўмлик маблағ ажратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1–августдаги 416-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-сон буйруғига асосан, Ички аудит ва молиявий назорат бўлимининг иш режаси Агентлик директори томонидан 2025 йил 25 декабрда тасдиқланган.

Ушбу иш режа ижроси юзасидан ички аудит тадбирларини ўтказиш бўйича объектлар рўйхати шакллантирилиб, белгиланган тартибда текширишлар ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилнинг 8 ойи давомида Маданий мерос агентлиги тизимидаги 13 та ташкилотда ички аудит текширув ўтказилди.

Ҳозирда бўлим томонидан бир қатор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

– бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бюджет ҳисобининг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботлар шакллантирилишини ўрганиш орқали бюджет интизомини мустаҳкамлаш;

– масофавий аудитни қўллаган ҳолда, бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш;

– ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш каби вазифалар белгиланган.

Зиёкор – янгича қиёфада

Бугун маҳаллаларда янги бинолар қад ростламоқда, кўчалар обод бўлмоқда, инфратузилма янгиланмоқда. Бу жараёнлар Тўрткўл туманини ҳам тобора бунёдкорлик ва янгиланиш марказига айлантиряпти.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ана шундай бунёдкорлик самараси ўлароқ туманнинг Зиёкор маҳалласида замонавий давлат – хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилиб, болажонлар ихтиёрига топширилди. “Umid Diamond” хусусий мактабгача таълим ташкилоти 210 нафар болани қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, бино тадбиркор томонидан қисқа фурсатда тўлиқ реконструкция қилинди ва замонавий таълим-тарбия стандартларига мослаштирилди. Боғчада шинам ўйин ва машғулот хоналари, хавфсиз ҳамда замон талабларига мос дам олиш майдончалари болалар ихтиёрида.



Меҳмонлар муассасада яратилган имкониятлар билан яқиндан танишиб, тарбияланувчиларнинг сифатли таълим олиши, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун яратилган шароитларни юқори баҳолашди.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ электрон-онлайн аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 25 январдаги 4-1001-2317/62666-сонли қарорига асосан тўловга қобилиятсиз, деб топилган “ROSTOK-N” МЧЖ устав фондидаги ягона иштирокчисининг қуйидаги мулки қўйилмоқда:

Тошкент вилояти Қибрай тумани, Алишер Навоий номидаги МФЙ, Алишер Навоий кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган жамиятнинг бизнеси, мулкий мажмуаси, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи, ер 49 йиллик ижара шартномаси ҳуқуқи асосида бириктирилган 7,5 гектар мевали боғи ва 2,0 гектар ер майдонидаги енгил конструкцияли иссиқхонаси билан боғлиқ корпоратив назорат ҳуқуқи сифатида бизнес комплекс “ROSTOK-N” МЧЖ устав капиталидаги ягона иштирокчига тегишли 100 фоиз улуш.

Улушнинг бошланғич баҳоси – 13 607 467 919,0 сўм.

Аукцион савдо **2026 йил 20 октябрь** куни **online-auksion.uz** платформасида бўлиб ўтади.

Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 19 октябр куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги устав фондидаги улуш 2026 йил 20 октябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдо кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан ўтказилиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги савдо санасидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Савдони ўтказиш савол ва таклифлар бўйича манзил: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Тел.: 93-443-00-03, 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Фарғона вилояти Риштон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 10 июндаги 4-1504-2502/5065-сонли ҳал қилув қарори билан тўловга қобилиятсиз, деб топилган “Aramati Bagdada Tomorqa Xizmati” МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 16 сентябрдаги 31/5065-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги дала шийпон бино ва иншоотлари электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти, Боғдод тумани, “Белдарак” МФЙ, А. Темур кўчаси, 229-уйда жойлашган **“Aramati Bagdada Tomorqa Xizmati”** МЧЖга тегишли бўлган **умумий ер майдони** – 4 000,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 1614,10 квадрат метр, **умумий фойдали майдони** – 133,04 квадрат метрдан иборат, **кадастр рақами:** 15:01:02:09:01:0001 бўлган дала шийпони бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 606 000 000,0 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 20 октябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади.

Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 19 октябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулк 2026 йил 20 октябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо санасидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 93-202-00-66, 90-407-07-62.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 11 сентябрдаги 539-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган лойиҳалаштирилиб қурилиши режалаштирилаётган ва мавжуд савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	21-1-10-сонли, умумий майдони 28,0 м² бўлган савдо шохобчаси	173 040 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2026 йил 16 октябрь куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 20 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 11, 25 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 18 – 21 сентябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Аборбек Абдуваҳобов,** ҳайдовчи **Дониёр Исмоилов,**

“Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish Respublika markazi” ҳайдовчиси **Ғолиб Камолов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси **Айбек Байсеитов,** мутахассислар **Хондамир Маҳмудов, Фарҳод Абдикаримов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси механиги **Дониёр Исмоилов,** “Гарбий” филиали бош мутахассиси **Наталья Рауфова,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ БГИ етакчи муҳандиси **Вартан Чикматузянц,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Хоразм филиали шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича маслаҳатчиси **Жамол Машарипов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Мирас Ережепов,** Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бошлиғи ўринбосари **Азамат Шарбаев,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўъбаси бош мутахассиси **Иқболжон Ҳалимов,** Бўстон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шавкатбек Жумабоев,**

“Иссиқликтаъминоти” АЖ Қашқадарё вилояти филиали бош муҳандиси **Пирназар Қодиров,** юрисконсульт **Азамат Ғуломов,** РК-4 марказий қозонхона қоровули **Ихтиёр Раджабов,** Сирдарё вилояти филиали бош ҳисобчиси **Улуғбек Йўлдошев,** Фарғона вилояти Қирғули филиали ёрдамчи ҳуқуқшуноси **Дилдора Исақова,** Тошкент вилояти, филиали авария хизмати ва таъмирлаш механика бўлими электрогазпайвандчиси **Алишер Абдумўминов,** Тошкент вилояти Қибрай тумани филиали назоратчи-ҳисобга олувчиси **Алтинай Базаралиева,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш соҳаси назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Турсунпўлат Шодиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманидаги “Kungrad Kommunale” БСК МЧЖ бош директори **Рустем Палбанов,** Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Nur Sity Kompaniya” БСК МЧЖ бош директори **Усмон Хўжамов,** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Ttz City Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Шоҳруҳ Шоякубов,** Яшнобод туманидаги “Yuksalish” БСК МЧЖ бош директори **Акбар Мусаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 941.
1241 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 20.37 Топширилди – 22.10.



Сирож БЕКЧАНОВ, *Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари:*

“Хоразмда бошланган бунёдкорлик ишлари эртанги кун учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда”





Бугун Хоразм вилоятида кечаётган бунёдкорлик жараёнларини биргина бино, йўл ёки йирик лойиҳа мисолида баҳолаб бўлмайди. Чунки воҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб, қурилишнинг деярли барча йўналишларини қамраб олмоқда. Янги йўллар ва кўприклар, замонавий кўп қаватли уй-жойлар, таълим ва ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, транспорт инфратузилмаси, туризм ва хизмат кўрсатиш масканлари – буларнинг барчаси Хоразмнинг бугунги қиёфасини янгилаш билан бирга, ҳудуднинг эртанги тараққиёти учун ҳам мустаҳкам замин яратмоқда.

Энг муҳими, бугунги қурилишлар фақат ҳудудни ободлаштириш ёки янги иншоотлар барпо этиш билангина чекланмаяпти. Уларнинг замирида аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш, иқтисодий фаолликни ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва замонавий инфратузилмани шакллантиришдек катта мақсадлар мужассам.

Шу ўринда, вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, уларнинг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти ва истиқболдаги режалар ҳақида вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Сирож БЕКЧАНОВ билан “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА суҳбатлашди.

– Бугунги кунда Хоразмдаги бунёдкорлик жараёнларини қандай баҳолаган бўлардингиз?

– Аввало, бугунги қурилишларни шунчаки янги бино ёки иншоотлар барпо этиш, деб тушунмаслик керак. Ҳар бир лойиҳа ортида аниқ мақсад – одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва Хоразмни янада қулай, обод ва замонавий ҳудудга айлантириш вазифаси турибди. Айниқса, жорий йилнинг 17-18 август кунлари Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи ҳудудимиздаги бунёдкорлик ва инвестиция жараёнларига катта таъсир кўрсатди. Ташриф доирасида қатор янги объектлар ишга туширилди, йирик лойиҳалар фойдаланишга топширилди ва истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Бугун бизи учун энг муҳим тамойил – қурилган объектларининг сони эмас, балки уларнинг аҳоли учун қандай наф келтираётганидир. Шу йўсинда йўл қурилса, одамнинг манзилига етиб бориш вақти қисқариши, транспорт қатнови енгиллашиши керак. Уй-жой барпо этилса, оила муносиб ва қулай яшаш шароитига эга бўлиши лозим. Мактаб ёки олий таълим муассасаси қурилса, ёшлар учун замонавий билим олиш имконияти кенгайиши керак. Сув иншооти барпо этилса, аҳолининг сифатли ичимлик суви билан таъминланиши зарур.

– Сўнгги йилларда амалга оширилган йирик инфратузилма лойиҳаларидан қайсиларини алоҳида қайд этган бўлардингиз?

– Энг муҳим лойиҳалардан бири, албатта, Урганч халқаро аэропортини модернизация қилиш билан боғлиқ. Мустақиллик байрами арафасида аэропортнинг расмий делегацияларга хизмат кўрсатадиган янги терминали қуриб битказилди. Айни пайтда аэродромни реконструкция қилиш ишлари давом этмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етгач, аэропорт энг замонавий самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати эса тўрт баробарга ошиши кўзда тутилган. Бу, аввало, Хоразмнинг транспорт имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Чунки халқаро аэропорт – нафақат йўловчилар учун хизмат кўрсатиш маскани, балки ҳудуднинг туризм, инвестиция ва ишбилармонлик салоҳиятини белгилайдиган муҳим инфратузилма объекти ҳамдир. Яна бир муҳим янгилик – мамлакатимизда илк бор аэропорт билан темир йўлни бевосита боғлайдиган транспорт тизимининг яратилганидир. Аэропортдан Урганч вокзалигача 11 километр янги темир йўл линияси барпо этилиб, Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасида замонавий электропоездлар қатнови йўлга қўйилди. Натижада Урганч ва Хива шаҳарлари орасидаги қатнов вақти икки баробарга қисқарди. Энг муҳими, йилига 650 минг нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатиш имконияти яратилди. Буларни алоҳида-алоҳида лойиҳалар сифатида қараш тўғри эмас. Аэропорт, темир йўл, автомобиль йўллари, жамоат транспорти ва туризм объектлари ўзаро боғлиқ ягона инфратузилмавий тизим сифатида ривожлантирилмоқда.

– Урганч–Хива пуллик автомобиль йўлининг фойдаланишга топширилиши ҳам катта воқеа бўлди. Ушбу лойиҳа ҳудуд ривожига қандай таъсир кўрсатади?

– Урганч ва Хива – бир-бири билан иқтисодий, туристик ва ижтимоий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ икки муҳим шаҳар. Шу боис уларнинг транспорт алоқаларини янада яхшилаш стратегик аҳамиятга эга. Мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган, умумий қиймати қарийб 2 триллион сўмлик еттита лойиҳа қаторидан Урганч–Хива пуллик автомобиль йўли ҳам ўрин олди. Ушбу йўлнинг аҳамияти фақат транспорт қатновини яхшилаш билан чекланмайди. Сифатли автомобиль йўли – йўл бўйида янги хизмат кўрсатиш объектлари, савдо ва сервис нуқталари, умумий овқатланиш масканлари, логистика хизматларини ривожланишига ҳам замин яратади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаларининг пайдо бўлишига хизмат қилади. Туризм нуқтаи назаридан ҳам йўлнинг аҳамияти катта. Хивага ташриф буюраётган сайёҳлар учун қулай, хавфсиз ва тезкор транспорт тизимининг мавжудлиги ҳудуднинг сайёҳлик жозибадорлигини янада оширади. Бугунги замонавий шаҳарсозликда йўл – шунчаки бир манзилдан иккинчисига элтувчи иншоот эмас. Йўл иқтисодиётнинг томири. Қаерда сифатли инфратузилма бўлса, ўша ерда инвестиция, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва янги лойиҳалар учун имконият кенгаяди.

– Вилоятда уй-жой қурилиши ва ижтимоий объектларни барпо этишга қандай эътибор қаратилмоқда?

– Қурилиш сиёсатимиз марказида инсон манфаатлари туради, албатта. Буни жорий йилда амалга оширилган ижтимоий ва уй-жой лойиҳалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятда бу йил 55 та ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди. Улар қаторидан умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари, Урганч шаҳри, Шовот ва Тупроққалъа туманларидаги Ёшлар марказлари ҳамда Саримойдаги IT шаҳарчаси ўрин олган. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда 71 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. Шовот ва Қўшкўпир туманларида эса ичимлик сувини тозалаш иншоотлари ишга туширилди. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида юзлаб, минглаб оиланинг манфаати турибди. Янги уй – бир оиланинг янги ҳаёти ва келажаги. Янги мактаб – фарзандларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган имконият. Янги ичимлик суви иншооти эса одамларнинг кундалик турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Шу сабабли қурилиш жараёнида объектнинг ташқи кўринишини билан бир қаторда унинг қулайлиги, мустаҳкамлиги, фойдаланиш самарадорлиги ва аҳолининг реал эҳтиёжларига мослиги ҳам асосий мезон бўлиши керак.

– Таълим соҳаси объектлари қурилишида ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани кўринмоқда. Бу борадаги ишлар ҳақида нималар дея оласиз?

– Тараққиёт учун бино қуришнинг ўзи етарли эмас. Биз, энг аввало, инсон капиталини ривожлантирадиган инфратузилмани яратишимиз керак. Шу маънода олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга. Урганч давлат университетида 1 500 ўринли янги ўқув биноси ва 400 ўринли талабалар ётоқхонаси, Урганч давлат педагогика институтида 1 000 ўринли ўқув биноси, Урганч давлат тиббиёт институтида эса 350 ўринли талабалар турар жойи қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Ал Хоразмий шаҳарчасида эса 5 минг талабага мўлжалланган университет биноси қурилиши давом этмоқда. Бундай лойиҳаларни оддий бино сифатида баҳолаш мумкин эмас. Бу – Хоразмнинг келажакдаги илмий, интеллектуал ва инновацион салоҳиятига киритилаётган инвестициядир. Бугун ёшлар учун яратилаётган таълим муҳити эртага ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида ўз аксини топади. Замонавий аудиториялар, лабораториялар, талабалар турар жойлари ва бошқа инфратузилмалар ёшларнинг сифатли таълим олиши учун зарур шароитларни яратади.

– Хоразмнинг туристик салоҳияти ҳам қурилиш соҳаси олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Хоразм, аввало, ўзининг бой тарихий-маданий мероси билан дунёга машҳур. Хива шаҳри эса воҳанинг туризм салоҳиятини намоён этувчи асосий марказлардан биридир. Бугун Хива ва Урганч нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги тадбирлар ўтказиладиган марказларга айланмоқда. Бу эса замонавий меҳмонхоналар, транспорт, сервис ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо этади. Сўнгги тўққиз йил давомида вилоятда 280 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари қурилди. Меҳмонхона фонди тўрт баробарга ошди, 11 та янги туризм маскани ишга туширилди. Сўнгги беш йил давомида хорижий сайёҳлар сони ўн баробарга кўпайди. Хива шаҳрида халқаро анжуман ва форумларни ўтказишга мўлжалланган Конгресс-холл, хорижий делегацияларни қабул қилиш учун “Хива Ичанқалъа” қабуллар уйи ҳамда уч юлдузли меҳмонхонанинг фойдаланишга топширилиши ҳам шу йўналишдаги ишларнинг амалий ифодасидир. Эндиликда тарихий мерос ва замонавий шаҳарсозлик ечимларини уйғунлаштирадиган “Саҳро юлдузи” янги туристик шаҳарчасини барпо этиш режалаштирилган. Бу ерда асосий вазифа – қадимий Хиванинг тарихий қиёфасини асраган ҳолда замонавий туризм талабларига жавоб берадиган муҳитни шакллантиришдир.

– Йирик инвестиция лойиҳалари қурилиш соҳасига қандай янги имкониятлар олиб келмоқда?

– Бугун Хоразмнинг инвестицион жозибадорлиги сезиларли даражада ошганини рақамлар ҳам кўрсатмоқда. 2016 йилда вилоятга 30 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, 2026 йилда ушбу кўрсаткич 2 миллиард доллардан ошмоқда. Президентимизнинг вилоятга ташрифи давомида умумий қиймати 176 миллион долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилди ҳамда хорижий ҳамкорлар иштирокида 7,5 миллиард долларлик 15 та янги қувват қурилишига старт берилди. Улар орасида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, меҳмонхона ва савдо-кўнгилочар мажмуалари, иссиқлик таъминоти объектлари, чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда “яшил” энергия ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар мавжуд. Мазкур лойиҳалар натижасида қарийб 7 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Инвестиция лойиҳаларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар бир вақтнинг ўзида бир нечта йўналишга таъсир кўрсатади. Янги корхона қурилади – иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқариш кенгаяди – хизмат кўрсатиш ва логистика ривожланади. Янги объект барпо этилади – унга мос йўл, электр, сув, канализация ва бошқа инфратузилма тармоқларига эҳтиёж пайдо бўлади. Шу маънода йирик инвестиция лойиҳалари қурилиш соҳаси билан бир қаторда бутун ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишига туртки беради.

– Қурилиш билан бир қаторда коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш йўналишларида ҳам катта вазифалар турибди. Бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Замонавий ҳудудни фақат янги бинолар ва йўллар билан тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон учун қулай муҳит яратишда муҳандислик-коммуникация тармоқлари, санитария, экология, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари ҳам бирдек муҳим. Шунинг учун бугунги қурилишларда объектнинг ташқи кўриниши билан бир қаторда унинг атроф-муҳитга таъсири, энергия самарадорлиги, коммунал хизматлардан фойдаланиш қулайлиги ва экологик талабларга жавоб бериши ҳам муҳим мезон сифатида қаралмоқда. Айниқса, келгусида энергия тежамкор технологияларни кенг кўллаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур. Бизнинг мақсадимиз – нафақат чиройли шаҳар ва туманлар, балки яшаш учун қулай, экологик барқарор ва замонавий ҳудудларни шакллантиришдан ҳам иборат.

– Олдингда хоразмлик қурувчиларни қандай вазифалар кутмоқда?

– Олдимиздаги марралар янада катта. Энг муҳими, қурилишларда сифат, замонавий шаҳарсозлик талаблари, энергия самарадорлиги ва инсон учун қулай муҳит яратиш масаласи биринчи ўринда туриши лозим. Йирик лойиҳаларни амалга оширишда нафақат бугунги эҳтиёж, балки келажак талаблари ҳам ҳисобга олиниши керак. Барпо этилаётган бино ва иншоотлар узоқ йиллар давомида хизмат қилиши, замонавий стандартларга жавоб бериши, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириши ва аҳолига қулайлик яратиши зарур. Давлатимиз раҳбари вилоятимизда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида гапирар экан, келгуси йил “Хоразм йили” бўлишини алоҳида таъкидлади. Бу, албатта, катта ишонч билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Бугун Хоразмда бошланган бунёдкорлик ишлари эртанги кун учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Биз учун ҳар бир қурилиш лойиҳасининг марказида инсон манфаати туриши керак. Президентимиз Хоразмнинг истиқболига юксак баҳо бериб, воҳани янада ривожлантириш ва унинг қадимий шуҳратини тиклаш учун катта марралар белгиланганини, бунга эришиш учун Хоразм элида куч, имконият ва ирода етарли эканини таъкидлаганлар. Бизнинг вазифамиз – ана шу ишончни амалий натижалар билан оқлаш, бошланган ишларни сифатли якунлаш ва янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!



